

**ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ТАРИХНИНГ ЎРНИ**

Жўрабоев Н. Ю.

Тошкент давлат транспорт университети доценти,

Рахимова М. И.

Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчи,

**Аннотация**

Мақолда ёшлар маънавиятини юксалтиришда ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарих фанининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, халқимизни, миллатимизни ҳаққоний тарихимиз билан таништириш ҳамда қуроллантириш, шу билан бирга, тарих фанини ўқитишнинг услубий асослари каби масалалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** тарих, шахс, истиқлол, миллий рух, маънавият, ислохотлар, ёшлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, глобаллашув, тарихий мерос, тарихий тафаккур.

XXI аср Ўзбекистонда маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, ижтимоий-сиёсий инновациялар асри сифатида бошланди ва ана шундай шароитда баркамол шахс, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш нафақат педагогик, балки ижтимоий заруратга айланди. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватанимиз тарихини бирламчи манбаларга таяниб, ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш, ёш авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тарихида янги давр – тараққиёт, Учинчи Ренессанс даври, буюк ўзгаришлар ва модернизация жараёнлари давом этмоқда. Халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида мураккаб ва шонли йўлни босиб ўтди. Истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Янги жамият қуриш, аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, онгу тафаккури ва касб маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, ёш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, уларни Ватан, халқ ва истиқлол тақдири учун ғоявий курашчанлик руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли комил инсонлар этиб вояга етказишда, шунингдек, халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида тарихи фанининг аҳамияти катта. Бу ҳақда гапирар экан Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, шундай деган эди: "Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур".

Бугунги кунда Ўзбекистонда тарих фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз тарихини янгича тафаккур билан холис ва илмий жиҳатдан пухта ўрганиш, уни таҳлил этишда бирламчи манбаларга таяниш муҳимлиги тобора заруратга айланмоқда. Бу эса тарихчилар олдида жиддий вазифаларни қўймоқда. Айни муаммо ҳақида

гапирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дейди: "Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур". Маълумки, ана шулардан келиб чиқиб, мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон тарихи, аجدодларимиз маданий мероси, уларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда таълим-тарбия соҳасида ундан кенг фойдаланиш ўсиб келаётган авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавиятнинг асоси бўлмиш тарих, ўтмиш воқелиги миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга, тарихий хотира эса инсонни ўзлигини танитишга, иродасини мустақкамлашга, унинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берувчи катта куч ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қабул қилинган қатор қарор ва фармонлар доирасида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши, унинг натижасида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган, маънавий баркамол авлодни юзага келтириш давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланди. Хусусан, Ўзбекистон тарихи фанини таълим тизимининг барча бўғинларида ва босқичларида ўқитиш борасида давлат ва ҳукуматнинг кўплаб қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик илмий Кенгаши ва Маркази ташкил этилди. Кенгаш ва Марказ Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тадқиқ қилиш, Ўзбекистон тарихидан дарслик, қўлланмалар, хрестоматиялар яратиш бўйича ташкилий ва илмий ишларни бошлаб юборди, жойларда илмий семинарлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабридаги 365-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчи талабгорлар докторлик диссертациясини ҳимоя қилгунча Ўзбекистоннинг янги тарихи бўйича имтиҳон топширишлари, катта илмий ходим – изланувчи ҳамда мустақил изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар Ўзбекистон тарихи бўйича кириш имтиҳонлари топширишлари шарт қилиб қўйилди. Олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар учун эса Ўзбекистон тарихи мажбурий фан сифатида белгилаб қўйилди. Ўз - ўзидан равшанки, эндиликда Ўзбекистон тарихи фанининг умумий, ўрта ва олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинги таълим тизимидаги ўрни ва роли янада ортади. Шу боис, бу фандан таълим берувчи ва тадқиқот ишлари олиб бораётган илмий - педагогик ходимларнинг масъулияти янада кучаяди, уларнинг илмий - педагогик салоҳиятига, ўқув-методик ҳамда замонавий ахборот технологияси бўйича билим ва кўникмаларига бўлган талаб ҳам кучайиб боради.

Шу ўринда айтиш жоизки, глобаллашув асри бўлмиш XXI аср, бир томондан, умуминсоний қадриятларни олдинги ўринга чиқиши, интеллектуал салоҳият ижтимоий ҳаёт мезонини

белгиловчи даражага айланиши ва информацион технологияларнинг тараққий этиши билан характерланса, иккинчи томондан, умумжаҳон миқёсида маънавий таҳдидлар, “оммавий маданият”ни кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, таълим-тарбия соҳасида салбий иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлаётган аср ҳам ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда ўсиб келаётган авлод онги ва шуурини салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, уларда мустақкам маънавий иммунитетни қарор топтириш, ёшларга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган азалий қадриятлар – эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳини сингдиришда тарих фанининг ўрни беқиёсдир. Айнан Ватан тарихини англаш орқали ёшлар, талабалар нафақт шонли ўтмишимиз, балки истиқлолнинг халқимиз учун буюк неъмат эканлигини, унинг истиқболга қаратилган давлатимиз сиёсати моҳиятини янада теран тушуниб етадилар. Олий Мажлис Сенатининг янги таркибдаги илк мажлисида сўзга чиққан Президент Шавкат Мирзиёев миллий тарихни англашнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб: “Яқинда Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Заҳридин Муҳаммад Бобур бобомиз ҳақида гапирдим. Бобур 12 минг аскар билан 100 минг аскарни енгган. Ўша пайтда шундай қилиш мумкинми? Йўқ. Бобомизга нима ёрдам берди? Ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, ақл-заковат. Мен Бобурни бугун кўп гапиряпман. Қуйи палата йиғилишида ҳам гапирдим. Умуман, шу кунларда мен тарихимизни кўп ўқишга ҳаракат қиляпман”,- деган эди.

Тарих ва маънавий мерос ҳақидаги фикрини давом эттирар экан, Президентимиз янги бунёд этилаётган Тошкент Ислом цивилизация марказига ташрифи чоғида шундай дейди: “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур”.

Ўзбекистон тарихини ўқитишда узвийлик ва изчилликни таъминлаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш, илм-фан соҳасидаги янгиликларни уларда акс эттириш, бугунги ва истиқболдаги вазифаларни ёритиш, мустақил таълим, ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Тарихини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фаннинг намунавий ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон ресурсларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўқув фанлари бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур фанлар бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, айти шундай саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг татбиқ этишни янада жадаллаштириш, профессор-ўқитувчиларни илғор педагогик билимлар ва технологиялар билан қуроллантириш, уларнинг маҳоратини ошириш, хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда улардаги самарали усул ва воситаларни миллий таълим тизимимизга жорий этиш имконини яратади.

## REFERENCES

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., “Шарқ”, 1998 й.
2. “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашилини ташкил этиш тўғрисида”. – 27.01. 2012 й., ПҚ-1694.
3. “Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. – 28.12. 2012 й., ВМҚ-365.
4. “Халқ сўзи”, 20-январь, 2021 й.
5. “Халқ сўзи”, 7-ноябрь, 2021 й.
6. Жўрабоев Н.Ю., Сайфуллаев Б.Д. Тарих ва комил инсон тарбияси. – “Глобал ҳамкорлик – барқарор ривожланиш шартини ва кафолатини” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2020 й., 23-24-октябрь.
7. Ziyaev K., Methodika сравнительной оценки легковых автомобилей в городских условиях с применением информационных технологий, ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ. ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА (2017)
8. Ziyaev K., Yomg'irchayev B., Интеллектуальная система управления трафиком, THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD (2022)
9. Ziyayev K.Z., Ismailova Sh.B., Shahar sharoitida transport intensivligini sinov yo'li bilan aniqlash uslubi, Academic research in educational sciences(2022), volume 3
10. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1453-1458.
11. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. Достижения науки и образования, (3 (44)), 32-33.
12. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
13. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. Theoretical & Applied Science, (10), 127-129.
14. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. Проблемы науки, (4 (40)), 56-57.
15. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 35-37.
16. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. Problems of science, no. 4 (40).
17. Ramatov, J., Baratov, R., Jurabayev, N., Umarova, R., & Mamajanova, G. (2022, June). Evolution of railway construction development in Uzbekistan: Past and prospects. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030011). AIP Publishing LLC.